



СССР ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН | № 76 (16.766). | 2 апрель 1977 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

МЕХНАТ ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЕШҚАДАМЛАРИНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕХНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

Бутуниттифок социалистик мусобақасида жуда катта муваффақиятларга эришганлиги, 1976 йилги халқ ҳўжжати бўлини мундарибдан илгари бақарганлиги, ўзини беш йилликнинг биринчи йили топириларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги, ишлаб чиқариш самардорлигини оширганлиги ва махсулот сифатини яхшилаганлиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта хизматлари учун қўйилганлар Ўзбекистон ССР Меҳнат шўхрати китобига ёзилсин:

1. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Тошкент областлари.
2. Шаҳарлар, ва районлар: Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари, Бобўт район, Беруний райони, Дўстлик райони, Қараман райони, Қосонсой райони, Каттақўрғон райони, Қосомолобод райони, Қўнғирот райони, Ленинград райони, Қўйи Чирчиқ райони, Ромитан райони, Термиз райони.
3. Коллективлар (дипломлар ҳам берилади): Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номи Олмалик конметаллургия комбинати, Андижондаги 3-пахта тозалаш заводи, Андижондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Обл. колхозстрой» трести, Оқангирондаги «Сантехлит» заводи.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат министри-нинг Иштихон район маиший хизмат комбинати.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министри-га қарашли маркалаштирилган тарзда юк ташуви Қорақалпоғистон автомобиль трести, Нукус шаҳри.

Қўқон лойқон-йигирув комбинати, Ленинск ёр-экстракция заводи.

7-қўрқисозлик трести, Тошкент шаҳри, КПСС XXV съезди номи мотор ремонт заводи, Ленинск шаҳри.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министри-нинг «Хурмат белгиси» орденли 2-йил қурилиш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий сановат министри-нинг сановат буюмлар заводи, Ўрта Осиё қўмир қазиб чиқариш бirlашмаси, Тошкент шаҳри.

«Қашқадарьяоблестрой»нинг 19-қурилиш трести, Қарши шаҳри.

160-қурилиш трести, Чирчиқ шаҳри.

«Лавташентстрой»га қарашли «Висострой» трестининг биринчи қурилиш бошқармаси, Тошкент шаҳри.

14-қурилиш трести, Фарғона шаҳри.

В. П. Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи.

Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташкентнабель» заводи.

Сут сановати Тошкент ишлаб чиқариш бirlашмаси, Тошкентдаги 4-нон махсулотлари комбинати, «Қашқадарья обл. с. т. р. о. й» трести, Қарши шаҳри, «Узривентилизация» трести, Тошкент шаҳри.

Қан О Нам — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўрта Чирчиқ райондаги Энгельс номи колхоз бригадари.

Каримов Турсунали — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қосонсой райондаги Қўйишев номи колхоз бригадари.

Косоров Владимир Васильевич — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Навоий кон-металлургия комбинатининг бригадари.

Маматқодиров Найи — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қўрғонтепа райондаги «Савай» совхозининг бригадари.

Матназаров Матқўб — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ҳазорасп райондаги К. Маркс номи колхоз бригадари.

Мусахонов Мирзамаҳмуд Мирзамаҳмудович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари.

Наседкин Петр Петрович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Навоий кон-металлургия комбинатининг бригадари.

Панченко Александр Николаевич — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Навоий кон-металлургия комбинатининг бригадари.

Пирматов Эргаш — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Чирчиқдаги «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бirlашмасининг аппаратчиси.

Подвигин Вениамин Родионович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, В. И. Ленин номидаги Олмалик кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти.

Посмитный Борис Романович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, В. И. Ленин номидаги Олмалик кон-металлургия комбинатининг кон мастери.

Рўзимова Пардагўл — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Беруний райондаги Беруний номи совхоз бригадари.

Саримсоков Уайибой Саримсокович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Избоскан район комитетининг биринчи секретари.

Сергеева Агрофена Тимофеевна — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ховос райондаги «Фарход» совхозининг бузоқбонари.

Синдоров Қўзйўқор — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё райондаги «Ленинград» колхозининг раиси.

Хайдаров Расул — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Мирзачўл райондаги Абай номи совхоз бригадари.

Хайдаров Мелиқўли — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министри-га қарашли 9-қурилиш трестининг 54-механизацияланган кўча колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Хамроева Обида — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, «Гулистон» колхозининг бригадари.

Хуррамова Массис — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жарқўрғон райондаги Оқунбобоев номи колхоз бригадари.

Чудная Анастасия Ивановна — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красный водопад» экспериментал базасининг сут соғувчи оператори.

Эшбеков Амирали — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Дехнобод райондаги «СССР 50 йилги» совхозининг бош чўпони.



Наманган области. Тўрақўрғон райондаги «Намуна» колхозини пахтакорлари чигит экишни санкиз иш нунда тугаллашга аҳд қилишди. Улар Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб, экиш агрегатларини дала-ларга олиб чиқдилар. Хўжалик азаматлари маъжуд 1010 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш-га шайланган. Бу — пландагидан 5 центнер зиёд. Суратда: хўжаликнинг илгор бригада бошлиқларидан Рохатой Алиматова. У бош бўлган коллектини бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш мажбуриятини қабул қилган.

Х. Хайдаров фотоси. (ЎТАҒ).

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА А. А. ГРОМИКОНИНГ АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ С. ВЭНС БИЛАН ОЛИБ БОРГАН МУЗОКАРАЛАРИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Москва расмий визит билан келган АҚШ давлат секретари С. Вэнс билан 28-30 мартда музокара олиб бордилар.

Музокара давомда Совет — Америка муносабатлари оид масалалар ва СССР ҳамда АҚШ учун ўзаро қизиқарли бўлган батын халқаро проблемалар принципал тарзда муҳокама қилинди.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида янги шартномани тавбеллаш тамомидаги доир масалаларни қараб чиқиш музокарада асосий ўрин олди. Шу масалалар қараб чиқилаётганда томонлар бу масалаларни муҳокама қилишни давом эттиришга келишиб олдилар.

Шуниингдек, қурол-аро-ларни чеклаш ва қуролсиз-лаштириш доир бошқа бир қанча масалалар хусусида ҳам фикрлашиб олдилар. Бу масалалар икки томонлама алоқа-лар давомида, шу жумладан, экспертларнинг учраш-вида бўлган кейин яна му-ҳокама қилинади, деб кели-шиб олдилар.

Халқаро проблемалар му-ҳокама қилинган чоғда Умум-европа кенгашида қатнаш-ган мамлакатлар вакиллари-нинг Белградда бўладиган учрашувига оид масалалар, Кипрдаги ва Африка Жану-бидидаги аҳвол тилга олдилар. Томонлар 1971 йил 3 сен-тябрда имзоланган гўрт то-монлама битимнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Янги Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди.

Томонлар Янги Шарқ ху-сусидаги Женева сулҳ кон-ференциясининг ҳамраисла-ри бўлган СССР билан АҚШнинг биргаликда ҳара-кат қилиши шу раёнда адо-латли ва мустақим тинч-ликка эришиш учун гўрт му-ҳимдир, деган фикрга кел-дилар. Янги Шарқ проблема-си хусусида, шу жумладан Женева конференцияси иш-ини қайтадан бошлаш тўғ-рисида масала хусусида ба-тафсил фикрлашиб олиш учун СССР ташқи ишлар ми-нистри билан АҚШ давлат секретари шу йил май ойи-нинг биринчи ярмида Жене-вада учрашадилар, деб кели-шиб олдилар. Айни вақтда Москвадаги музокаралар чо-ғида муҳокама қилинган ба-ъзи бошқа масалаларни қараб чиқиш давом эттирилди.

СССР билан АҚШ ўртаси-даги ўзаро муносабатларнинг амалий масалаларини қараб чиқиш вақтида бир қанча конкрет аҳдларга эришилди.

ПАРТИЯВИЙ ИШ ТАЖРИБАСИНИ УМУМЛАШТИРМОҚДАЛАР

Республикада бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарлари ўтказилди.

33 семинар ўтказилди, улар-да сановат, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналари, идеол-огия ва илмий муносабалар, ўқув юртлари, ижодий сою-злар, министрилар ва идора-лар, маъмурий органлар, хиз-мат кўрсатиш корхоналари ва муносабалари, колхоз ва сов-хозлар, сув хўжалиги органла-ри бошланғич партия ташки-лотларининг турт миңдан зиёд секретари қатнашди.

Кадрларнинг ўқини партия ходимлари ишлайтган коллек-тивларнинг хусусиятларини эъ-тиборга олиб турли гуруплар бўйича табақалаштирилган ҳол-да ташкил этилди. Семинарлар социалистик мусобақада би-ринчи ўринни олган корхона-лар, колхоз ва совхозлар ба-засида ўтказилди. Семинар-ларнинг қатнашчилари илгор корхоналарнинг ишлари ва планлари билан танишдилар.

Семинарларда таъкидлаб ўтилганидек, совет жамияти ҳозирги вақтда КПСС XXV съезди қояларининг зўр таъ-сири остида ривожланиб бор-моқда. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланган Ўзе-бекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

ЕР ОСТИ РАЗВЕДКАЧИЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

Республика жамоатчилиги со-вет ер ости разведкачилари-нинг аънавий байрами — геологлар кунини нишонла-моқда. 1 апрель куни Тошкен-та ўтказилган тантанали йиғи-

лишда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат вах-тасида ишлайтган шу тармоқ меҳнаткашларининг кўп ми-нг кишилик отряди шаънига са-мимий табрик суварли айти-

ди. К. Камолов, Н. Махмудов, Э. Б. Нордан, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзе-бекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мударлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг сек-ретарлари, Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрилар, идораларнинг раҳбарлари ва олимлар қат-нашдилар ҳамда сўзга чиқди-лар.

Унинг беш йилликда рес-публика халқ хўжалигини ва унинг айрим тармоқларини ри-вожлантириш истиқболлари ҳа-қида, КПСС XXV съездининг таъаблари асосида партиявий-ташкилий ва идеологик иш-ларни янада тақомиллаштириш вазифалари тўғрисида қилин-ган докладлар тингланди. Рес-публика меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилида ва Улуғ Октябр социалистик ре-волюциясининг 60 йиллиги ша-рафига олинган юксак социал-истик мажбуриятларини бажари-ш учун қурашда коммунист-ларнинг авангардлик ролига, уларнинг таъкилотчилик фаол-лигига катта эътибор берил-ди. Партия ташкилотларининг бутун иши партиянинг сийса-

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

30-31 март кунлари иттифоқ-дош республикалар Компар-тиялари Марказий Комитетла-ри, ўлка, область ва шаҳар партия комитетлари маданият маданият мударларининг кенгаши бўлди. Кенгашда КПСС XXV съезди қарорлари асоси-да меҳнаткашларини коммуни-стик руҳда тарбиялашда адаби-ёт ва санъатнинг ролини янада ошириш масалалари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябр» социалистик ре-волюциясининг 60 йиллиги тў-ғрисидаги ва «Ижодкор ёшлар билан ишлаш ҳақидаги қа-рорларини бажариш соҳасида-ги вазифалар муҳокама қилин-ди. КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мударри В. Ф. Шауро доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари муҳо-кама қилинган масалалар юза-сидан иш таърибларининг ўр-тоқлашдилар, КПСС XXV съез-ди қўрсатмалари ва КПСС Марказий Комитети Бош сек-ретари ўртқ Л. И. Брежнев-нинг СССР Касаба союзлари XVI съезида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар

асосида ижодий союзлар ва маданият муассасаларига пар-тия раҳбарлигини янада яхши-лаш чораларини кўриб чиқди-лар.

Кенгаш ишида КПСС Марка-зий Комитети, СССР Министр-лар Совети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг СССР бир қанча министрилари ва идораларининг масъул ходим-лари, ижодий союзлар ва таш-килотларнинг раҳбарлари иш-тирок эдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимяннин нутқ сўзлади.

СОВЕТ-МОЗАМБИК МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

МАПУТУ. 31 март. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан ФРЕЛИМО Марказий Комитетининг Раиси, Мозамбик Халқ Рес-публикасининг Президенти Самора Моизес Машел ўртасида олиб борилган музока-ралар низоҳасига етди.

Дўстона, самимий вазият-да ўтган учрашув чоғида то-монлар Совет — Мозамбик муносабатлари учун муҳим бўлган масалаларни муҳока-ма қилиб бўлдилар. Ҳар ик-ки мамлакат халқларининг маифаатларини кўзлаб бу муносабатларини янада ҳар томонлама кенгайтириш ва

кучайтириш йўллари белги-ланди.

Ҳар икки томонни қизиқ-тирувчи ақтуал халқаро проблемалар таҳлил этилиб, батафсил муҳокама қилин-ди. Африка проблемаларига, аввало, Зимбабве, Намбия ва Жанубий Африка халқла-рининг мустамлакачилик ва ирқчиллик режимидаги қар-ши олиб бораётган озодлик курашига катта эътибор бе-рилди.

Томонлар Совет Иттифо-қи билан Мозамбик Халқ Республикасини ўртасида дўст-лик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузишни келишиб олдилар.

Биргаликда қабул қилин-ган бошқа якуловчи ҳуж-жатлар келишиб олди.

Совет — Мозамбик қўш-ма баёноти Н. В. Подгор-ний билан С. Машел имзо-ладилар.

СССР билан МХР ўртаси-да консуллик конвенцияси СССР ташқи ишлар минис-трининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев ва МХР ташқи ишлар министри Ж. Чисано томонидан имзоланди.

Имзолан маросимида ку-

ндагилар иштирок эдилар:

Совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР денгиз флоти министри Т. В. Гуженко, СССР мудоффа министри-нинг биринчи ўринбосари армия генерали С. Л. Соко-лов, СССР ташқи савдо ми-нистрининг ўринбосари Н. Н. Смеляков, ташқи иқ-тисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбо-сари И. И. Чернишев, СССРнинг МХРдаги элчиси П. Н. Евсюков;

Мозамбик томонидан — ривожланиш ва иқтисодий планлаштириш министри М. Душ Сантуш, меҳнат ми-нистри М. Матинья, саноат ва савдо министри М. Ма-шунгу, президент ҳузурида-ги давлат министри Ж. О. Монтейру, транспорт ва алоқа министри Ж. Кабасу, инфор-мация министри Ж. Ребелу.

Мозамбик томонидан — ривожланиш ва иқтисодий планлаштириш министри М. Душ Сантуш, ташқи ишлар министри Ж. Чисано, ФРЕЛИМО доимий сийёсий комитети ва Марна-ий Комитетининг аъзолари, МХР жамоат ташкилотла-рининг вакиллари, пойтахт меҳнаткашлари кузатиб қол-дилар.

Кузатиб қолувчилар ораси-да СССРнинг Мозамбикда-ги элчиси П. Н. Евсюков бор эди.

СССР Олий Совети Пре-зидиумининг Раиси Н. В. Подгорний дўст Мозамбик территориясидан жўнаб кета-туриб самолёт бортидан Мозамбик Халқ Республика-сини Президенти Самора Моизес Машелга телеграмма йўллади.

Телеграммалар са-мимий меҳмондўстлик ва ҳурмат-эҳтиром учун сиди-қилган миннатдорчилик из-ҳор этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

Э. АШУРОВА «ЎЗЕ-БИКСТОН ССРДА ХИЗ-МАТ ҚУРСАТГАН БИ-НОҚОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада капитал қури-лиш ривожлантириш соҳаси-даги катта хизматлари учун ва туғилган кунига олтинчи йил-тулиш муносабати билан Ўзе-бекистон ССР Министрлар Со-ветининг колхозларда қури-лиш бўйича давлат-кооператив бirlашмаси — «Узколхозст-ро» раис Эргаш Ашурова «Ўзбекистон ССРда хизмат қў-рсатган билинор» фахрий ун-вон берилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. МАТЧОНОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1977 йил, 1 апрель. Тошкент шаҳри.

ДЕЛЕГАТЛАР ДИҚҚАТИГА!

6 апрель соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида Ўзбеки-стон ССР «Билим» жамияти-нинг VIII съезди очилди.

Съезд делегатлари респу-блика «Билимлар уйи» (Ки-ров кўчаси, 24-уй)нинг кичик залида 4-5 апрель кунлари соат 9.00 дан 20.00 гача, 6 апрель соат 9.00 дан Ўзе-бекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг маж-лислар залида рўйхатдан ўтдилар.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси.

А. А. ГРОМИКОНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

мәсәләр мукозамәсини дәвом этти
хуsusда бир оз келишиб олдик.
Кәшшувәларни албәтга юзгә дәрәжәдә
лашуб шарт эмәс, балки, айтадилк,
пертлар, мәсәләтәчләр дәрәжәсиз
уәзнаш мүмкин. Сунгра бир қай
дәләләт ишлитиниғизгә назар ташлаш
мүмкин. Бу ишлитәвәртгә Америка
гошәләр дәрәжә билән қараштағи умид
ләзими. Әзминингиз шундай қилиш
тағийи.

Сәнод: Вәдәносток әхдәномәсидә
нотли рәкәсләр хуsusидә иттиғно
литиниғиз?

Җавәб: Йүк, қилинмаған әли (Тә...



Уфқ билан туташиб кетган кўз илғамас яёловлар кўм-кўк. Ҳамма ёққа яшил тилан тўшган. Яёлов нафосати қалбни ўзига тортади, қорлайди. Қўл қўшиб эса кишига ҳузур бахш этади. Яёловларга фазл қилган кўй-қўзилар, эчки-улоқлар ўтлаб юришибди.

Қарши чўлининг шу кунлар, дақиқ фазл бўлакча. Бу ерда «Нишона» давлат наслчилик заводининг 70379 бош қўй-қўзилари боқилапти. Шундан 50742 боши совлик. Ҳозир сов-

ЯЙЛОВ КЎРКИ



бир отар яратмиш уларнинг э-гу мақсадлари.

Яёлов кўркига кўрк қўшиб, қўй-қўзилар сонини ошираётганлар сафида Холман Султонов, Ражаб Ёмиров, Чўян Дўланов, Шеркул Раҳимов, Пирим Умуруқов, Гани Жумаев, Қилич Панжиев, Бойбўри Иброҳимов сингари илгор қорвадорлар кўп. Улар қишлоғи бехатар ўтказиб, қўй-қўзиларни кишдан бечиким олиб чиқдилар, бу донгдорлар ҳар юз бош совлиқдан 200 ва ундан ошариб қўзи олиш, ҳар бир

совлик ҳисобига ўстиришга биттадан қўзи қолдиришга аҳд қилишди. Ургочи қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди.

Учинчи ферманинг бош чўпони Холман Султонов ўтган йили ўз боқимидаги совлиқларнинг ҳар юзидан 220 тадан қўзи олди. Қўллаб қўзини ўстиришга қолдириш. Унинг самарали меҳнатини партия-хукуматимиз юксак қадрлади. Унинг кўксини беэаб турган Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат Бел-

гис» орденлари ёнида олий нишон — Ленин ордени ҳам борлади.

Мукофот уни янада юксакроқ маррага эгallaшга қорлади. Донгдор чўпон юбилей йилда ҳар юз совлиқдан 275 тадан қўзи олишга бел боғлади. Бу марра албатта эгallaшда, Суратларда: 1. Қамаш районидagi Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони А. Оминов. 2. Х. Султонов қизи Раёна билан.

С. Безносков фотолари.

Болгариянинг «Икономическо живото» газетаси бундай деб ёзди: жаҳон сёсасатининг энг муҳим проблемалари юзасидан тутилган йўлнинг аниқлиги ва принциплаллиги — КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР насаба союзида XVI сёз-да сўзлаган нутқининг энг характерли ва энг қудратли хусусиятидир. Бутун жаҳонда шу нутқ ҳақида баён этилган фикрлар реализм, замонамиздаги мураккаб жа-райлар ва ҳодисаларни чу-қур аниқлаш — шу нутқга хос хусусият эканлигини ҳаммамиз ишонганлигини намойиш қилади.

Газеталар КПСС Марказий Комитети Сёсий биро-

ФАКТЛАР,
ХАБАРЛАР,
ВОКЕАЛАР

ОЧЕТ ЭЛЛАРДА ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

бозор»нинг янги йиллик фаолияти практикаси капиталистик интергация жаҳон капиталистик ҳўқалигининг проблемаларини ҳал этиш, капитализмга хос бўлган ил-латларни бартараф қилиш воситаси сифатида тамоми-ла асоссиз эканлигини қўр-сатиш, деган хулосани чи-қаради. «Умумий бозорга» аъзо бўлган ҳар бир мамла-катнинг бир томонлама наф-олишга қўйилганлигини ҳа-лиқаро меҳнат тақсимоти талабларига эидир, деб таъ-кидлайди газета.

Газеталар Ливанининг на-вубода ўнг христиан ҳарбий қисмлари билан миллий ва-ташларар қўллар ўртасида қўрқоли тўқнашувлар бош-ланганлиги тўғрисида, Заир-нинг янубидаги Шабва ви-лоятида (собиқ Катанга) да-вом этаётган жанглар тў-ғрисида хабар берадилар. Польшанинг «Йиче Варша-ва» газетаси Заирдаги во-қеаларни таҳлил этиб, АҚШ-нинг Заирга ҳарбий ва мо-биливи ёрдамини қўйишти-рганлиги, Белгия ҳарбий анжумлари Заирга етказиб берилаётганлиги, собиқ ме-трополида ёлланган сотқин-ларнинг бу мамлакатга юбо-риётганлигини қўзғатиш мақсад — Марказий Аф-риқада ҳалқаро капиталнинг стратегик плацдармини бу-кунда келтиришдан ёборат, деб таъкидлайди. (ТАСС).

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ЭЛЛИКАЛЪА, [«Совет Ўзбе-кистони мухбири». Бу ерда ян-ги ташкил этилган район пар-тия конференцияси бўлиб ўт-ди. Конференцияда Қорақал-поғистон область партия ком-итетининг биринчи секретари Қ. Камолов «КПСС Марказий Ко-митетининг «Улуғ Октябрь» со-циалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори ва район партия ташкилотин-нинг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Автоном республикадаги ўн бешинчи район кўрх ерларда ташкил топди. Район колхоз ва совхозлари меҳнатчилари ян-ги ерларни ўзлаштириш, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик мах-сулотлари етиштиришни кўпай-тиришни барча резерв ва им-кониятларидан унумли фой-даланишни ўзлаштириш асосий вазифалари деб бйлоқдалар. Яқин келажакда бу ерда 25 минг гектар ер ўзлаштирилад, экин майдонларига айланти-рилади. Меҳнатий-машиий об-ъектлар қурилади. Районда бу йил 45 минг тонна пахта ва бошқа хил махсулотлар етиш-тириш, унунчи беш йилкининг охирига бориб эса пахтининг ялпи ҳосилини 70 минг тонна-га етказиш мажбурияти олин-ган.

Доклад юзасидан бўлган му-зокараларда Оржоникидзе номли колхоз раиси Б. Ибо-дўллаев, Ленин номли колхоз партия комитетининг секре-тари М. Шеримбетов, Оқунбобоев номли колхоз аъзоси С. Қобу-лова ва бошқалар сўзга чиқиб, унунчи беш йиллик план-тў-шриқларини бажариш юзаси-дан амалга оширилаётган иш-лар ҳақида, партия ташкилот-ларининг жанговарлиги ва ком-мунистларнинг активлигини яна да ошириш тўғрисида гапир-дилар, фойдала тақдир ва му-лохаазалар билдирдилар.

Конференция муҳокама қи-лингн масала юзасидан кен-гайтирилган резолюция қабул қилди ва район партия таш-килотининг раҳбар органларини сайлади.

Район партия комитетининг ташкилий пленумида О. При-мов район партия комитети-нинг биринчи секретари, А. То-минов ва М. Медетова район партия комитетининг секретар-ларли қилиб сайландилар.

АНЖИОВУЛ, [«Совет Ўзбеки-стони мухбири». Сирдарё об-ластида янги Комсомол райони ташкил қилинган тўғрисидаги

ТЕРМИЗЛИКЛАР ТАШАВБУСИГА ҚўШИЛАМИЗ.

ИПАК ПАХТА ИФТИХОРИМИЗ

КПСС XXV сьезди қарорла-рида пахтачиликни тинимай ри-вожлантириш билан бир ка-торда, айниқса унинг ингичка толи навларини кўпайтириш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Дарҳақиқат, ингичка толали пахта саноатимиз учун қим-матбаҳо хом ашёдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбе-кистон ССР Министрлар Со-ветининг Қашқадарь, Сурхон-дарё, Бухоро ва Наманган об-ластларида ингичка толали пахта етиштиришни кўпайти-риш тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга-дир.

Колхозимиз аъзолари Бу қимматбаҳо нава пахта етиш-тиришга Наманган областиде би-ринчилардан бўлиб киришди-лар. 1968 йилда ипак пахта етиштириш госяи туғилди ва бир группа мухтаассиларимиз Сурхондарё областининг ин-гичка толали пахта етишти-ришга ҳўжалиқларида бўлиб, бой тажрибаларни ўргандилар. Сурхондарёга сафаримиз вақ-тида колхозимиз шaroитида ҳам ипак пахта етиштириш муаммаларига шунинг ҳосил қилдик. Негаки далапаримиз-нинг асосий қисми кунинг ер-да жойлашган. Бундан ташка-ри районимизнинг Чортоқ зо-насида областимизнинг бошқа ерларига қараганда ҳсик кун-лар кўпроқ бўлади.

1970 йилда пахта майдони-нинг 70 процентига ингичка толали пахта чигити эдик. Ку-руш ва интилишларимиз ку-вончи аюланди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ошариб хирмон қўтардик. Ҳўжалигимиз ҳазинасига беракча кирди. Бир йил ичиде даромад ики-баравардан зиёд ортиди. Ора-дан тўрт йил ўтган, ҳосилдор-лик 34 центнерга етди. Кол-хоз даромади эса 1969 йилда-ги ҳисбабтан уч баравар кў-тарилди.

Шу тариқа ипак пахта ети-штиришдаги тажрибамиз йил сайин ортиб боради. Бу нарсга тўқизинчи беш йиллик аю-лариде кузга яққол ташланди. Бу давр мобайнида планде белгиланган 9146 тонна ўрнига 10396 тонна «оқ олтин» тайёр-ланди. Даромад олиш эса ор-тиқ билан бажарилди. Топ-шириқде қўрсатилган 8 мил-лион 15 минг сўм ўрнига 9 миллион 569 минг сўм даро-мад олишга эришдик.

Областимизда пахтачилик учун анча нуқулай келган ў-

лар ёрдамида ўргатиб чиқил-ди. Чигит ҳамма майдонларга 60×20 схемасида экилмоқда ва уяга уруе ораватиб 1-2 до-надан ташлаб кетилмоқда. Шундай қилингенде янага ҳо-жат қолмайди. Ҳар гектар ерда 124-130 минг атрофида кўчат ҳосил бўлади.

Экиш ишларини кун сайин қизитиб борапмиз. 17 экипж баҳорнинг қўлай келган ҳар дақиқасидан фойдаланиб ерга уруе қадамоқда. Мадамин Исоқов, Мирзаабдулла Қоси-мов, Усмон Бобохонов, Оли-мжон Каримов, Пулат Эргашев каби меҳнаткор ва саялка-чилар кунлик иш нормалари-ни ошириб бажариб, ҳаммас-ларига ўрнэк бўлмоқдалар. Биз экиш ишларини 10 апрел-гача тугаллапмиз.

Республика партия ва ҳуку-мати қарорларида ингичка то-лали пахта ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, бу мақ-сад учун ажратилган экин майдонларини кенгайтириб бориш зарурлиги алоҳида таъ-кидланди. Бинобарин, колхоз прелевенси ва партия коми-тети маъзур ҳўжжати барча колхозчилар иштирокида чу-қур ўрганиб чиқди ва улкан тадбирлар белгилади. Биз бундан кейин барча қаргалар-да ана шу навар урудан деҳ-қончилик қиламиз. Ҳосилдор-лигини оширишга қаратилган тадбирлар, агротехника фан-и утуқларини ишимизга жорий етказмиз. Чортоқ дарилқларини ўзлаштириш давом эттира-миз. Беш йиллик охиригача экин майдонларимизни янги ўзлаштирилган ерлар ҳисоби-га кенгайтириб, 1200 гектарга етказамиз. Ялпи ҳосилни эса 3000 тоннадан оширамиз.

А. КОСИМОВ,
Наманган область Янгиқўр-ғон районидagi «Фарғона» колхоз раиси.
Н. ИУДШОВ,
колхоз партия комитети секретари.

Депутатларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлиги

Ўзбекистон ССР Олий Сове-тининг саноат доимий комис-сияси 31 март кун навбатдаги мажлисини ўтказди. Мажлисда «Средствэлектрорапарат» бир-лашмасининг КПСС XXV сьез-ди қарорлари асосида меҳнат унумдорлигини ошириш соҳа-сидеги иши муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда бирлашма-де буюмларнинг янги турлари-ни ўзлаштириш, янги техника ва илгор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни меҳа-низилаш ва автоматлашти-риш тўғрисида катта тадбир-лар амалга оширилди. Бироқ, депутатлар таъкидлаб ўтгани-дек, бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари ҳали етарли дара-жада ўзлаштирилмапти, иш-лаб чиқариш интизоми бўш,

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

ҚИШИЛТЕПА, Район пиллачи-лари юбилей йилда оча-Ва-тканга 200 тонна қумуш тола етказиб бериш мажбуриятини олишди. Мазсумга ҳар томон-лама тайёргарлик қўрилди. Тажрибали пиллачилардан 250 киши эвено бошлиқларини қилиб тайинланди. Улар киска қўрс-ларда малака оширишди.

Бу йил район хўжалиқлари-да 3200 кўти кўрт уруви бо-қилди. Ипак кўртининг озуқа базасини мустаҳкамлаш тад-бирлари белгиланди. Мажбур-тутзорлар парваришдан чиқар-илди. Янгидан 600 минг туп тўт кўчатлари ўтказилди. Бу ишга «Ленинград», «Ўзбекис-тона», «Партия XXII сьездин,

қолхозлари пиллачилари катта хисса қўшди.

М. САЛИМОВ.

ЯККАБОҒ, 40 минг тонна дон етиштирмиз! Ана шундай шир-ор остида меҳнат қилётган район ғаллақиларини олинган социалистик мажбуриятини оши-риб бажариш мақсадида кузда экилган ғалла майдонларини парвариш қилишни кун сайин қўйиштирмоқдалар. Қиска вақт ичиде 4 минг гектар ердаги ғалла майдонларини минерал ўғит-блар билан озиклантирилади. Бу муҳим ишни амалга оширишда авиаторлар деҳқонларга ақин-дан ёрдам бердилар. Район хўжалиқларида 15 минг гек-тардан кўпроқ майдондеги буг-

АНЖЕЛА ДЭВИС АҚШДАГИ ИРҚЧИЛИК Тўғрисида

П А Р И Ж, 31 март. (ТАСС). Яқинда Францияга келиб кетган негрлар ҳара-катининг ташлиги намойида-си Анжела Дэвис «Юмани-те» газетасининг саҳифа-ларида АҚШдаги ирқчилик, граждн ҳўқуқлари ва эр-кинликларини бостириш тўғ-рисида гапириб берди.

Қўшма Штатларнинг ҳама-еирида, деб ёзди у, маъ-мурият негрларни, пуэрторо-каликларини, чинанос, инде-ецларини, бошқа майдла мил-лат вакилларини қаттиқ ре-прессия ва зўравонлик бил-лан террор қилмоқдалар. Бундан мақсад уларни ҳў-читиб ва мамлакатдаги маъ-жуд ирқий камситиш систе-масини сақлаб қолишдир.

Мамлакатнинг ҳама ш-татларида сёсий маъбус-лар қамоқларда сақланмоқ-да. Шимолли Каролина шт-атида «уилмингтонлик уш-лар» ва «шарлоталик уч-киш» ҳаракати қатнашчи-лари ирқий камситиш ва со-циал адолатсизликка қарши курашда актив қатнашган-ликлари учунгина — қамоқ-қа ташланганлар. Флорида шт-атида негр ёзувчи Дел-берт Тиббс очиндан-очин со-хта аиб билан ўлим жа-зосига ҳўкм қилинди.

Бостонда еш негр аёл Элла Эллисон бош йил қа-моқ жаозасига ҳўкм қилинди. У банкни талашта уринишга дахлдор, деб айбонди. Ҳол-буки у шу қароқчилик рўй-берган пайтда ҳатто шаҳар-да йўқ эди.

Дейтон деган кичик бир шаҳарда 16 яшар Дайлан Смит ўзи ўқитган коллеж-да ирқчиликка қарши ҳара-катга бошчилик қилганлиги учун 40 йил қамоққа ҳўкм қилинди.

Буларнинг ҳаммаси поли-ция билан судларнинг ўз-бошимчилигини қўрсатувчи мисоллардир. Бундан мисол-ларини чексиз кўп келтириш мумкин, дейди Анжела Дэ-вис. Бутун АҚШда полиция қилган жиноятлар сон кў-пайиб бораётганлиги қўри-лмоқда, деб ёзди у. Бу ҳам репрессияларнинг яна бир ифодасидир.

Ўзи маъмуриятнинг ҳўр-лаши ва таъқиқига дучор бўлган А. Дэвис Шимолли Каролина — негрлар аҳоли-сини чорак қисминини ташкил етдиган штатдаги аҳолида алоҳида тўхталади. Бу ерда репрессиялар ҳаддан таш-қир кенгайиб кетди, деб таъ-кидлади у. Гап шунданки, штатдаги маъжуд тўқимачи-лик, тамаки монополиялари ва бошқа монополиялар негр аҳолини раҳмсизларча экс-плуатация қилиш ҳисобига катта-патта фойда олмақда-лар. Шунинг учун ҳам улар меҳнатчиларнинг, дастав-вал негрларнинг насаба со-юзларга бирлашшига, шун-ингдек гражднлардан тенг ҳўқуқлигини ва социал адо-лат учун курашини ташкил етишларига қарҳанд ўқси-лик қилмоқдалар. Қаршилик қўрсатишга журъат этган-

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРҒАНЧ, 31 март. (ЎЗАТА). Бугун Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум КПСС XXV сьезди талаблари асосида ижрони контрол қилиш ва текшириш-ни кучайтириш соҳасида об-ласть партия ташкилотининг вазифаларини шунингдек КПСС Марказий Комитети би-

СССР Фанлар академияси-нинг мухбир аъзоси В. Белоу-сов «Урта Осиё ер пўстлоғи ва юкори мантисияси мазсуда ўтказилган кенгашга ақун асаб, Ўзбекистонда самарали ишлайтган катта илмий мактаб вужудга келди ва у ер қўри-лаб рўй бераётган жарвонлар-ни ҳамда унинг тузилишини билишга катта хисса қўшмоқ-да, деб таъкидлади.

29-31 март кунлари Тошкент-да бўлиб ўтган шу уррашувда

ЕР ПЎСЛОҒИ—ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Москва, Ленинград, Украина, Шибирь, Козогистон, Узок Шибирь, Урта Осиё республика-ларидан келган олимлар қат-нашдилар.

Урта Осиё регионини бағрини комплекс ўрганиш, айрим то-е системалари ва рудали жо-лар юзасидан олинган геофи-зик маълумотларни геологик жиҳатдан талқин қилиш билан

Болгик проблемалар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Кенгаш аюқлаган тадқиқот материаллари ва натижалари мамлакатда ер пўстлоғи ва юкори мантисиясини ўрганишда қатнашаётган турли илмий му-ассасалар ишини координаци-лашини яхшилаш ҳамда янги йўналишларни белгилаб олиш-га имкон беради. (ЎЗАТА).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЖОНКУЯР ПЕДАГОГ

Зайниддин акани 17 ёшдан бошлаб ҳозиргача ҳурмат билан оқиб, мураббий мазоҳисада домла деб аташади. У ўрта мактабни, битирган ҳамон ўқитувчиликни касб қилиб олган, аяни пайтада кечқурунлари ўқиб, саводсизликни тутатиш курсларида ҳам ишлаган.

Домла Улуғ Ватан уруши арафасида институтни битириб олди: дипломнинг сиёҳи қури-масдан уруш бошланиб, би-ринчилар қатори ҳарбий хиз-матга жўнади. Ҳарков мудо-фасида қатнашди, армияда бўлганида ҳам ўқиб Ҳарков-даги ҳарбий академиянинг ин-женерлик курсини битирди, аэрод, сўнг рота командир, полковник ўтатиш агитатори ҳам бўлди.

Сийёсий билимларни омма орасига ёйиш иштиёқи, маҳор-рати Зайниддин акада ўша пайтлардаёқ намоён бўлган эди.

Тинмай ишлаган, эринмай ўқиган жасур жангчи 1944 йил декабрда коммунист деган юксак номга сазовор бўлди. 33 йилдан бунён бу номи гард юктирмай покиза саклаб кел-моқда.

Ватан уруши ҳам галаба би-лан тугади. Тинч ижодий меҳ-нат Зайниддин акани ўз оғу-шига олди. Тарихдан дарс бер-ди, маданият-оқаруш муассаса-ларида ишлаб, оммага билим нури тарқатди.

Зайниддин ака ўн йил мо-байнида Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг лектори бўлиб ишлади. Бу йил-лар унга катта синов, ҳаёт до-риффунуни бўлди. Республи-када бу киши бормасан, лек-ция ўқимаган йирик корхона, қишлоқ, шаҳар ва район қо-лмаси десек лой бўлмайд.

Мана, ўн етти йилги, дом-ла Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг фалсафа кафе-драсида ўқитувчи-доцент бўлиб ишлаб келмоқда.

«Янгибод» маҳалласида ҳам домланнинг обрўси катта: кўп йиллардан бунён маҳалла коми-тетига сайланиб, каттага ҳам, кичикка ҳам маслаҳатчи, янги-ча маросимларга бошқоқ. Лекция ва суҳбатлар ўтказиб туради.

Олий ўқув юртида ишлаш-нинг ўзига хос хусусиятлари-дан бири шундаки, унда тин-май ўқиб, ёзиб, нашр эти-ши, илмий доқдаллар қилиш мажбуриятини ҳам адо этиш керак. Зайниддин домла бу шарофли бурчини оқлаб, шу пайтгача жами 50 босма лист қаламдан бир неча брошюра, 25 та илмий, 100 га яқин про-пагандистик мақола эълон қил-ди.

Меҳнатсевар олим мураб-бий ва лектор Зайниддин Иса-муҳаммадов бугун олтинчи ё-шга тулди. Партия ва ҳўкумати-си унинг самарали меҳнатини олтига медал, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президи-умининг Фаҳрий ёрлиқлари, дипломлар билан тақдирлади.

Зайниддин аканинг икки ў-ли фан кандидати, икки қизи олим бўлиш арафасида, икки қизи олий маълумотли инже-нер.

Халқимизда ният қилган стар мурожада деган мақол бор. Зайниддин ака қабри-у-тозларнинг шоғирлари, фар-занда ва набиралари ҳам эсту ниятларига абабат атидлар. Чўки яхши ота-она, устоз эи-дан борган шоғирда ва фар-зандлар камол чўқиса сари парвоз этишлари турган гап.

К. РАХМОНБЕРДИЕВ, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори.
А. ОРИТҚОВ, фалсафа фанлари доктори.

Қишлоқ чиройи

Сариёсёй районидagi Ленин номи қолхоз мерказида икки қазалти Маданият уйи фойда-ланишга тошйрилган эди. Қолхоз мерказида яна бир мухташам бино қад қўйара бошлад. Икки қазалдан ибор-ат бу бинода қолхоздагилар касалхона барча қўлайликларга эга бўлади.

Б. РАҲМАТУЛЛАЕВ.



Фаргона шаҳридаги «Тўқимачи» маданият саройи қошидаги хор коллективи республика конкурсига қилиб чиққан эди. У айна шу кунларда меҳнатчилар бадий ҳаваскор-лик ижоди Бутуниттфок фестивалининг янгуловчи босқичига тайёргарлик кўрмоқда. Хорга Фаргона педагогика институтини музика ва қўшиқ кафедрасининг мудири С. Дадажонов раҳбарлик қилади. Суратда: ёш ҳаваскорлар янги хор устида машқ қилаётган пайт.

Ф. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАРАКАТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Республикада қолхоз ва совхозларида дала ишлари қизиган бошланиб кетди. Ҳам-ма жойда баҳорги экиш иш-ларига тайёргарлик тез суръ-атлар билан олиб боришмоқда. Бинобарин, қишлоқ ҳўжалик техникаси жавлон уряпти. Қиш-лок йўлларида далага медаллий ва минерал ўғитлар ташиб чи-караётган транспорт восита-лари кўпайди. Ҳамма трактор-прцеплари ишта тушиб кетди.

Дала ишларининг қизиган тус олганлиги транспорт ҳаракати ҳавфсизлигини таъмин этиш-ни янада кескинроқ вазифа қилиб қўймоқда. Чўнки, йўл-транспорт ҳодисалари орасида энг ҳавфлиси тракторлар ва прцепларнинг аварияга учра-шидир. Бундай ҳолларда тра-ктор ҳайдовчилар қамдан-кам-гина омон қоладилар. Шу йил 22 март кунин Бағдош райони-даги «Пахтакор» қолхозни тра-кторчиси С. Турдалиев «Т-28» тракторини бошқара туриб, Болғали қишлоғида қоллектор-га ағдариб юборди. Энг ачи-нарлики шундаки, тракторчи ҳалок бўлди.

Қолхоз ва совхозларда меҳ-нат қилаётган тракторчилар ва айниқса, прцепли тракторлар-ни бошқараётган ҳайдовчилар-нинг йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал қилишнинг таъмин-лаш, уларнинг фаолияти усти-дан назоратни қўйишга тоғи-ял муҳимдир. Афсўсики айрим ҳўжаликларда йўл ҳаракати қондаларини яхши билимаган кишиларнинг прцепли тра-кторларни бошқаришларига рухсат берилмоқда. Техник жихатдан нозоз транспорт вос-италарининг ишлатилишига йўл қўйилмоқда. Бундай кам-чиликлар қўнғисиз воқеалар-нинг содир бўлишига олиб ке-лиши мўмкин.

Шўнинг учун ҳам қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ай-ниқса, ҳўжаликлардаги техни-канинг содиги учун жавобгар бўлган шахслар ҳаракат ҳавф-сизлигини таъминлаш учун, техник воситаларининг самара-ли фойдаланиш учун ҳамма чораларни қўришлари керак. Янгида бўлиб ўтган ичкилик-бозили ва алкоголизмга қарши курашга бағишланган республи-ка конференциясида ҳам меҳ-нат қилаётган меҳнатчилар бошқариш оғир оқибатларга олиб келаётганлиги таъкидла-ниб, автоҳўжаликлар раҳбарла-

ФАН — ТЕХНИКА ОЛАМИДА

СОАТЛАР ЎРНИГА МИНУТЛАР

Янгидагина лаборант дон тариқидида напча оқил борли-гини аниқлаш учун бир неча соат ўринади. Белоруссия Фанлар академиясининг фито-биология институтини ташкил-этган экспресс метод ёрдами-да анализ атиги 20 минутда тайёр бўлади.

Бўнинг учун донни талқон қилиб, сувга аралаштирилган ва реактивлар қўшилган. Оқ-сил молекулалари суспензия ҳосил қилади. Энди суяқлиги орқали ерулгин нуруни ўтказ-миш, фото экспониметрга ўх-шаб кетадиган прибор ёрдами-да напча оқил борлигини аниқлаш қолади. Бу усул Бе-лорусиянинг омихта ем са-ноатида муваффақиятли жо-

рий этилмоқда. У тегирмон корхоналарида, нон заводла-рида ва галла қабул қилувчи пунктларда қўлланилади.

Институт олимлари тезлаш-тирилган анализ методларини ишлаб чиқишда катта тажри-ба орттирдилар. Уларнинг экс-пресс методи билан сут тар-кибидagi мой миқдори ҳамда сут заводларида сут махсулот-лари текшириб чиқилмоқда. Ҳом ашв сифатини қачон-қачон текшириб чиқилмоқда. Ҳом ашв сифатини қачон-қачон текшириб чиқилмоқда.

Д. ПАТИО, ТАСС мухбири.

Минск.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

Минск.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

4 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ.

НИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —

Гимнастика. 10.30 — Олтин соч

(бадий фильм). 12.00 — Мўл-

жизасиз — мўжизалар. 15.35 —

Хўжакатли фильм. 15.50 —

Н. А. Некрасов ва рус халқ

қўшиги. 16.30 — Шаҳзода ва

гадо (бадий фильм). 17.45 —

Сиз яратган бот. 18.15 — «Ол-

тин шайба» соврини учун. 19.00 —

Янгиликлар. 19.15 — Венгрия

Халқ Республикаси телевиде-

ниесининг программаси. 22.00 —

«Вақт». 22.30 — Концерт.

23.10 — Пушкин ҳақида моно-

лог. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ-

НИНГ ПРОГРАММАСИ

10.30 — Табиатшунослик.

10.40 — Хўжакатли фильмлар.

11.30 — Табиатшунослик. 18.30 —

Мултифильм. 18.45 — «Еш-

лар киноди». Ўзбекистон Рас-

соллар соқои кўргазма аали-

дан репортажи. 19.15 — Хўж-

акатли фильмлар. 19.25 — Вен-

гер халқининг миллий байра-

ми. 19.45 — Ахборот. 20.00 —

Намолот сари. (Озода Абдулла-

ева ҳақида кўрсатуш). 21.00 —

Ахборот. 21.20 — Ўзбекистон

бағучилар ҳақида. Мустай Ка-

рим, Шукрулло. 22.00 — «Вақт»

(Москва). 22.30 — КПСС XXV

съезди қарорлари ҳақида. 22.45 —

Янгиликлар. 22.55 — «Вақт»

(Бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм.

19.25 — Қирол хомийлари (ба-

дий фильм, 1-серия). 20.35 —

Янгиликлар. 20.55 — Енги-

дан сўзлашнинг. 21.15 — Совет

давлати ва ҳўкуқи асослари.

21.45 — Олий математика.

5 АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ.

НИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —

Гимнастика. 10.30 — Мулти-

фильмлар. 11.00 — Телевизион

бадий фильм. 15.05 — Хўж-

акатли фильм. 15.55 — Жо-на-

жон мамлакатимиз бўйлаб.

16.25 — Совет қонунчилиги

асослари. 16.55 — Петя ва бу-

ри (симфоний эрта). 17.35 —

Н. Лесков. «Левша» — Кукри-

нисларнинг тасвири. 18.30 —

Болаларга ҳайонлар ҳақи-

да. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 —

Социалистик мусобақа кун-

далиги. 20.00 — Москвада Со-

фия кўнларининг тантанали

очилиши. Танаффус пайтида —

«Вақт». 24.00 — Менинг Бол-

гариям (хўжакатли фильмлар).

00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ-

НИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кўрг-

ач фильм. 12.00 — «Андри-

нов сўзи» (бадий ўйин).

13.05 — Боланика саҳнат (ба-

дий фильм). 17.35 — «Кама-

лан». 18.05 — Давр шамолла-

ри билан йўрғилан. 18.35 —

Ахборот. 18.50 — Вир антёр

театри. М. Горький «Она». 19.20 —

Спартлото. 20.05 — Концерт.

20.15 — Насридиннинг саргу-

зашлари (бадий фильм). 21.40 —

«Вақт». 22.00 — Футбол. «Ди-

намо» (Иев) — «Воресия»

(ПФР). Европа чемпионлари ку-

боғи учун ярим финал. 23.45 —

Дустлария чехраси. 00.30 —

Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ-

НИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химия. 12.00 — Хўж-

акатли фильмлар. 12.30 — Хи-

мия. 18.25 — Пионер дружина-

ларининг телевизион кўргизи.

18.55 — Улуг Ойдиннинг 60

йиллигига. «Октябрь» менинг

тадбирим. Ташеельмаш за-

воқилар қаралган. 19.00 — Ян-

гиликлар. 19.15 — Мултифильм.

19.35 — «Камалан». 19.55 —

«Кувонк старлар». 19.00 — Ян-

гиликлар. 19.15 — Болаларга

атаган шешлар. 19.30 — Кон-

церт. 20.00 — Миллионлар ле-

нинча университети. 20.30 —

Видеон амери (бадий фильм).

22.00 — «Вақт». 22.30 — Хўж-

акатли экран. 23.55 — Спорт

гимнастикаси бўйича халқаро

мусобақалар. 00.25 — Янгили-

лар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ-

НИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Хўжакатли фильм.

12.00 — Олтинчи июль (бадий

фильм). 13.45 — Урмон соати

(кўргизчон спектакли). 18.30 —

«Физкультура ва спорт. 19.00 —

«Буюк ва қудратли». 19.15 —

«Сихат ва саломатлиги». 19.45 —

Ахборот. 20.00 — Ижод гулша-

ри. 21.00 — Ахборот. 21.20 —

Улас Сандионов куйлади.

21.50 — Катталар учун мулти-

фильм. 22.00 — «Вақт» (Мос-

ква). 22.30 — Ўзбекистон чор-

вадари. 22.50 — Ёш ёшгари (ба-

дий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм.

19.40 — Мухтабасилниқ иш-

риш. 20.40 — Янгиликлар.

21.00 — Ҳамид Олимжон «Бахт

ва шодлиқ қўйиш». 21.30 —

Физика.

8 АПРЕЛЬ

ЖУМА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ.

НИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —

Гимнастика. 10.30 — Зацепи-

лар оиласи (бадий фильм). 1-сер-

ия. 11.40 — Янгиликлар. 11.50 —

Киносе-

хатчилар клуби. 15.05 — Хўж-

акатли фильмлар. 15.35 — Иш-

чи эстрадасти. Жанубий Тоши-

кстон территорияси ишлаб чи-

қариш комплекси қурилиши

ҳақида телевизион отерк. 16.05 —

Сўна (бадий фильм). 17.45 —

Фан олами. 18.15 — Горчи-

чалар қаралган. 19.00 — Янги-

ликлар. 19.15 — Мултифильм.

19.35 — «Камалан». 19.55 —